

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 171-172 (11.232-11.233)

Баҳоси эркин нарҳда

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 1-2 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро хусусиятга эга долзарб муаммолар муҳокама этилади. Музокаралар якунида икки мамлакатнинг қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштиришга доир икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Навоийнинг «Электрокимё» заводи жамоаси Истиклолнинг 17 йиллиги арафасида яна бир хайрли ташаббус билан чиқди. Улар қурилиш учун зарур бўлган шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Кимёгарлар янги маҳсулот линияларини Бекобод, Ангрени Қувасой каби шаҳарларда ҳам очишни мўлжаллашмоқда. Шу йўл билан жойларда янги муқим иш ўринлари очилади.
- Гулистон шаҳар амфитеатрида «Нихол» мукофоти вилоят босқичи голибларининг концерт дастури бўлиб ўтди. Гулистон тумани марказий хиёбонида эса «Сайхун йиғитлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли Мустиқиллик байрамининг 17 йиллигига бағишланган концерт дастурини намойиш этди.
- Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманида йирик лойиҳа — йилга 700 минг тонна рудани қайта ишлаб, 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқарадиган завод қурилиши давом этмоқда. Шу муносабат билан Бешбулок қишлоғида барпо этилаётган ишчилар кўрғончасининг дастлабки объектлари — 50 ўринли ётоқхона, меҳмонхона ва турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.
- «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Истиклол берган имкониятдан кенгрок фойдаланайлик» шиори остида барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ўқув юртиларида ёшлар билан учрашувлар, спорт мусобақалари, турли танловлар ўтказилмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури ҳамда мамлакатимиз Мустиқиллигининг 17 йиллик байрами муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбир доирасида «Мустиқиллик — бизнинг байрам» деб аталган ёшлар акцияси ҳам ўтказилди.
- Мамлакатимиз Мустиқиллигининг 17 йиллик байрами арафасида Жиззах вилоятида тўртта янги мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 56 мактаб реконструкция қилиниб, 59 мактаб капитал таъмирдан чиқарилади. Бахмал тумани Катортал қишлоғидаги 48-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Иншоот «Ўрта Осиё меймор» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари томонидан белгиланган муддатда қуриб битказилди.

ЖАҲОНДА



- Жеңевада саратон касаллигига қарши кураш бутунжаҳон конгресси очилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Унда кўплаб мамлакатлардан уч мингга яқин олим ва мутахассис иштирок этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозир дунёда саратон касаллигидан азият чекаётганлар сони йигирма беш миллионга етган. Мазкур кўрсаткич ҳар йили ўн бир миллионга ошаётди. Анжуманда ушбу хавfli касаллиқни бартараф этиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинади.
- Токиода истиқомат қилувчи 41 ёшли Нобукадзу Касиваги ўз уйида эллиқдан зиёд захарли илонни ноқонуний сақлаганида айбланмоқда. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, Касивагининг илонларидан бири унинг бармоғини қақиб олган. Даволашдан сўнг омон қолган бемор шифохонадан қиқча, қонуни бузгани учун дарҳол хибсга олинган.
- Жазоир олимлари мамлакатнинг Бешар туманидаги тоғ дараларининг бирдан қояга ўйиб солиingan қирқта расмини аниқладилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу расмлар саккиз минг йил аввал чизилган. Фор деворларида йирик ва майда шохли моллар, оҳулар ва бошқа кўплаб Африка чўли ҳайвонлари тасвирланган. Олимлар у ердан, шунингдек, қадимий сопол буюмларини ҳам топдилар.
- Эрон ўзининг тинчлик мақсадларига мўлжалланган ядро технологиялари билан Игнерияни таъминлашга қарор қилди.
- Ростов-Дон ўлкасининг Новошахтинск шаҳрида оммавий касаллигини оқибатида 47 киши шифохоналарга ётқизилган. Дастлабки тахминларга кўра ушбу эпидемияга унчалик тоза бўлмаган ичимлик суви сабаб бўлган.
- Хитойнинг Пекин шаҳрида XIII Паролимпия ўйинларининг машғаласи ёқилди. Ногирон спортчилар иштирок этадиган ушбу ўйинлар машғаласи 11 та шаҳардан ўтганидан сўнг манзилга етди. Яъни ўйинлар 6 сентябрда бошланиб, 17 сентябрга қадар давом этади.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИАТЛАР РЎЁБИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 29 АВГУСТ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИНШОТЛАРИ, ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ, САВДО МАРКАЗЛАРИ, ШИФОХОНАЛАР, ТУРАРЖОЙЛАР, ЙЎЛЛАР ВА КЎПРИКЛАР БАРПО ЭТИШ, МАВЖУДЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТУБДАН РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУНДАЙ ИНШОТЛАРНИ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ — МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН. АНА ШУ АНЪАНАГА МУВОФИҚ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИДА, ЖУМЛАДАН, ПОЙТАХТИМИЗДА БИР НЕЧТА ЯНГИ ИНШОТЛАР ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 29 АВГУСТ КУНИ УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ.



Ватанимизнинг куч-қудрати, иқтисодий ва маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг нечоғли юқори бўлиши кўп жиҳатдан замонавий билим ва малакага эга кадрларга боғлиқ. Шу боис ўсиб келаётган навқирон авлодни маънавий юксак, янгица билим ва тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қонуналар, миллий дастурлар ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, барқамол инсонлар этиб воёга етказишга қаратилган.

Жаҳонда таълим тизимининг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ислохотлар миллий ва энг илгор умумбашарий маърифий анъаналарни ўзида мужассам этгани, таълим ва тарбиянинг ўзаро ҳаммаҳаллиги, тизимдаги барча бўғинларнинг бир-бири билан узвий боғлангани, узлуқсизлиги ва босқичма-босқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бунинг юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнига халқаро миқёсда эътибор ва қизиқиш тобора ортиб, дунёдаги етакчи таълим масканларининг соҳага оид ҳамкорлик қўламини кенгайтириб бораётгани ҳам аққол кўриш мумкин. Пойтахтимизда Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Г.Плеҳанов номидаги Москва, иқтисодий академияси, И.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил январь ойида Сингапур Республикасида давлат ташрифи чоғида иқтисодий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланган эди. Бунинг амалдаги натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан олий таълим масканлари сони яна биттага кўпайди.

Президентимиз янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти билан танишди. Ушбу олий таълим масканида банк иши, бизнесни бошқариш, молия ва туризм, бизнесда замонавий ахборот технологиялари йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Институтнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазибаларини мужассам этган. Айни пайтда бир юз йигирма минг китоб захира-сига эга кутубхона, бир вақтинч ўзида ўн етти аудиторияда машғулотларни трансляция қилувчи мультимедиа студияси, шинам ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган зал ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этил-

ган ва жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари институтда талабалар учун яратилган шароит билан танишар экан, мазкур таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, аввало, миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан ташкил этилмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Ушбу институтни тугатган йиғит-қизлар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро талабалар ва андозаларга ҳам тўла жавоб бера оладиган етуқ мутахассислар бўлмоғи лозим, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари институт талабалар уйда ёшларнинг олган билимини мустиқамлаши, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш муҳимлигига эътиборини қаратди.

Институт ҳудудида барпо этилган спорт мажмуаси очик ва ёпиқ заллари, мини-футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлакларини, сузиш хавзаси, тўрт юз ўн ўринли спорт залини ўз ичига олган. Буларнинг бари ёшларнинг саломатлигини мустиқамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига қаратилган.

Президентимиз Ислам Каримов пойтахтимизда бунёд этилган Ёшлар ижод саройи билан танишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида мусиқа, рассомлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида ёшларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш, мазкур масалалар билан шуғулланаётган жамоат ва нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Ушбу вазибаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бирга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан», «Меҳр нури», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жағмагармлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази каби нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётди.

Ўзининг кўрку салобати билан пойтахтимиз хуснига хусн бағишлаган мазкур сарой ўзининг меъморий ечимини, имкониятлари жиҳатидан ноёбдир.

Шу кунларда Ёшлар ижод саройида «Навқирон Ўзбекистон» республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси давом этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағмагармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада икки юз нафардан зиёд ижодкорнинг турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

— Истеъдод — қудратли куч, — деди Президентимиз. — Юртимизда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Ана шу ёшларимизнинг истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун барло этилган ушбу саройида мунтазам равишда кўргазмалар, фестивал, танлов ва бошқа тадбирлар ўтказиб туриш ке-

рак. Улар ёшларимизнинг ғайратига ғайрат, истеъдодига истеъдод қўшиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари «Навқирон Ўзбекистон» республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси билан танишар экан, уларни муайян мавзулар бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Боғча ёшидаги болаларнинг, мактаб ва коллежлар ўқувчиларининг, олий ўқув юртилари талабаларининг асарларини алоҳида-алоҳида намойиш этиш, кўргазма жараёнида муаллифлар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш янада юксак самалар берди, — деди Ислам Каримов. — Бунда чекка туманларда, айниқса, қишлоқларда яшаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз Тошкент ислом университетининг янги биносини ҳам кўздан кечирди.

Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу университетнинг асосий вазибаси дунёвий ва диний билимларни, чет тилларни чўқур ўзлаштиришга юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Улар буюқ аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганиб, халқимизнинг диний ва маънавий қадриятларини демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштиришга, шу орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишлари даркор.

Университетнинг янги биноси бунёд этилган, унинг ахборот-ресурс марказида, айниқса, катта ўзгаришлар рўй берди. Унда 4000 номдаги дарслик, қўлланма ва адабиётлар жамланган. Компьютер воситасида нодир қўлёзмалар билан танишиш ва ишлаш мумкин. Янги бинода аудиториялар, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган хоналар, ошхона мавжуд.

Ислам Каримов университет профессор-ўқитувчилари билан мулоқот чоғида ўқитиш жараёнида талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, дунёқараш ва тафаккурини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

— Маънавий дунёси юксак, теран билимли одам ҳаёт йўлида ўзини йўқотмайди, очки қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади, ўзгаларнинг таъсирига берилмайди, — деди Ислам Каримов. — Маънавий кашшоқ инсоннинг жаҳолат қомига тушиши осон. Биз жаҳолатга қарши маърифат билан мазкур кўргазмада икки юз нафардан зиёд ижодкорнинг турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

— Стадиондаги ҳар бир деталь ўз ҳолича ва умумий манзара билан уйғунлашган ҳолда ҳам гўзал бўлиши керак, — деди Ислам Каримов. — Айни чоғда, спортчилар ўз маҳоратини тўла намойиш этиши ва муҳлислар мазмуни хордиқ чиқариши учун барча шароит яратилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари стадионда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мўлжалланган секторларни кўздан кечирди. Мазкур секторларда қулай ўриндиқлар олдига ўрнатилган замонавий мониторлар орқали бир вақтда ўтаётган бошқа мусобақаларнинг боришини кузатиш имконияти мавжуд.

Мазкур стадионда нафақат футбол, балки теннис, кураш, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка ва спортнинг яна бошқа турлари бўйича нуфузли турнирлар ўтказиш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда «Пахтакор» марказий стадиони нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки МДҲ ҳудудидаги энг замонавий, ноёб спорт мажмуаларидан бирига айланган.

Президентимиз стадион атрофида барпо этиладиган зарур инфратузилмани ривожлантириш наватбадаги муҳим масала эканини қайд этди. Бу борада мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар энг улғун нэмат — Мустиқиллик берган имкониятларнинг амалдаги рўйбидир. Пойтахтимизда қад ростлаган янги иншоотларни қўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Назозат УСМОНОВА, Воҳид ЛУҚМОНОВ, Анвар БОБОЕВ, Фулом МИРЗО, ЎЗА мухбирлари

Азим пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари!

Истиклол байрами шукуҳи
барчангизнинг хонадонларингизга
файзу барака олиб кирсин.
Дастурхонингиздан тўкинлик
ва кут-барака аримасин.



«ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР !

Истиклолимизнинг
17 йиллиги билан
барчангизни
табриклаймиз.
Дастурхонимиз тўкин,
юртимиз тинч,
хонадонларимиз файзли,
маҳаллаларимиз обод ва
осойишта, осмонимиз
ҳамиша мусаффо,
заминимизнинг ҳар қарич
тупроғи эса азизу
мукаррам бўлсин!



«ТОШКЕНТ ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО,
МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ
ВА ТАДБИРКОРЛАР КАСАБА УЮШМАСИ
КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

азиз ҳамшаҳарларимиз ва соҳа ходимларини мамлакатимиз

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

Кутлуғ байрам кунларида юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эл-юрт фаровонлиги
йўлидаги ишларида улкан зафарлар тилайди.
Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.



«МЕҲРИ САВДО»

ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Республикамиз пойтахтининг жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини
қўшиб келаётган барча меҳнаткашларини энг улуғ ва шукўҳли байрам –

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан

эзгу тилакларни билдирган ҳолда самимий кутлайди.



Истиклолимизни мустақамлаш йўлидаги фаолиятингиз
қувончли онлару муваффақиятларга тўлиқ бўлсин!

**Қадрли отахонлар ва мунис онахонлар, табаррук кексалар!
Эртамининг ишончли ворислари, қалби қайноқ ёшлар!**

**БАРЧАНГИЗНИ
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК**

шодиёнаси билан муборакбод этамиз.

Ҳамиша хонадонингиз обод,
тан-жонингиз соғ,
дастурхонингиз тўкин бўлсин.
Мустақиллик қуёши абадий
нур сочиб бошимиз
узра чарақлаб турсин.



ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ, «МАҲАЛЛА»
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРУВИ ЖАМОАСИ

МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ УЧРАШУВЛАР

ХАР ҚАНДАЙ БОЯ КИШИЛАР ОНГИГА ЕТКАЗИЛГАНИДАН Кейин ҳақиқий кучга айланади. Чунки энди ҳар бир одам уни меники деб қабул қилади. ИМКОНИ ҚАДАР ШУ ҒОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҲАҚИҚАТЕН ҲАҚИҚИЙ КУЧГА ҲАҚИҚАТЕН ЕТКАЗИЛГАНИДАН... ҲАҚИҚАТЕН ҲАҚИҚИЙ КУЧГА ҲАҚИҚАТЕН ЕТКАЗИЛГАНИДАН... ҲАҚИҚАТЕН ҲАҚИҚИЙ КУЧГА ҲАҚИҚАТЕН ЕТКАЗИЛГАНИДАН...

Бу учрашувлар Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг пойтахтимиздаги тинчлик зиёлилардан иборат гуруҳлари иштирокатида ташкил этилган. Улар таркибиде машҳур ёзувчи ва шоирлар, олимлар ва сиёсатчилар, эл сулҳи санъаткорлар бор. Энг муҳими, тинчловчилар орасидан ҳам кўпчилик кишилар асарни аллақачон ўқиб чиқиб улгуриш экан. Улар ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан суҳбатларда фаол қатнашган.

Бу китоб соҳиб фарзанд тарбиялашни ният қилган ҳар бир ота-она учун ҳам таълим-тарбия дастури сифатида аҳамиятга эга, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо маҳалласи оқсоқоли Фотих ака Аскарлов бир учрашувда. Асарда эътиборга молик кучли бир ғоя бор: биз ҳеч қандам кам бўлмаганимиз, ҳеч қандам кам эмасмиз ва ҳеч қандам кам бўлмаганимиз.

Хакимдан, халқимиз жуда бой тарихга эга. Асрлар аввалидан жажан маънавияти, маданияти ва маърифати ривожига улкан ҳисса қўшиб келган. "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида халқимиз орасидан етишиб чиққан кўпдан-кўп буюк зотларнинг эзгу ишлари, башариат равижидаги ўрни ва мавқеи бирма-бир таҳлил этиб берилади.

Биргина Алишер Навоий бобомиз ҳақида айтилган мана бу фикрлар мағзини чақайлик: "Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси,

мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони". Шу нукта назардан келиб чиқиб, Алишер Навоийнинг бебаҳо меросидан халқимиз, хусусан, ёшларимизни қанча кўп ва ҳуб баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли қуролга эга бўламиз.

Китобда маънавият ва миллий ғоя борасида Президент Исроил Каримов кўп йиллардан бери илгари суриб келаётган барча муҳим фикр-мулоҳазалар ва ғоялар муайян тарзда тизимлаштирилган, улар янги-янги нуктаи назарлар ва талқинлар билан бойитилган. Маънавиятга берилган мана бу таърифи шундай янгиликлар сирасига киритиши мумкин:

"...Маънавият — инсонни руҳан поклашиш, қалбдан улғайтиш, чорлайдиған, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиған, виждонини уйғотадиған беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".

Шаҳардаги тadbирларда сўзга чиққанлар асарининг мавжуд турт доббани кўтарилиған ўта муҳим ва долзарб масалалар, улардаги махсус фаслларда билдирилган фикрларга алоҳида-алоҳида тўхтаб, илгари сурилган ғояларни ўз тажрибалари, касб-корларни, билим ва кўникмаларидан келиб чиқиб, ҳаётий мисоллар орқали тўлентириб беришди. Одамларга, хусусан, китобда-

ги "Маънавият — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир" деб номланган биринчи бобидаги "Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги" фаслида илгари сурилган фикрлар жуда маъқул келганига гувоҳимиз. Бунда айтиладики, маънавият ва иқтисодиётнинг бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни бир-биридан ажратишнинг иложи йўқ: "...Инсонга хос орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушининг икки қанотига қиссаласак, уйлайманки, ўринли бўлади".

Асарда миллий ғоя ва мафкура маънавиятнинг таркибий қисми тарзида таҳлил этилади. Одамлар, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Ватанга садоқатли, эзгу нијятли, бунёдкорликка интиладиған авлодни тарбиялаш учун ҳам бу нашрдан кўп фойдаланиш мумкин.

Шундай дилгир учрашувларнинг иштирокчиси сифатида бир хулосага келиш мумкинки, маънавият ва миллий ғоя ҳақида дилдан ўтказилган суҳбатлар ҳеч қачон беиз кетмайди.

Хар қандай маънавият, хар қайси ғоя ва мафкура шу тарзга кенг ёйилади ва айнан шу тарзда энгилмас кучга айланади.

Зиёда ГАФФОРОВА,
Республика Маънавий тарғибот маркази Маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудири

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚОН- ҚОНИГА СИНГИБ КЕТГАН, АҲДОДЛАРИМИЗДАН ҚОЛГАН БЕҚИЁС ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, ЭЗГУ АНЪАНАЛАРИМИЗ, УРФ- ОДАТЛАРИМИЗ, ОДАМИЙЛИК, ҲАЛОЛЛИК, МЕҲР- ОҚИБАТ, САВОБ ИШЛАРНИ БЕМИННАТ ҚИЛИШ КАБИ ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАР БУГҮН ЯНАДА БҮЙ КЎРСАТИБ КЎНГИЛЛАРНИ ҚУВОНЧУ ШОДЛИККА ТЎЛДИРМОҚДА.

2008— Ёшлар йили

БАЙРАМИНГ МУБОРАК, БОЛАЖОН!

Кўни кеча Сергели туманидаги «Бахт-диёр» тўйхонасида янграган алёрлар ҳам меҳр-оқибат, чин инсонийлик фазилатларини тараннум этди. Янада аниқроқ қилиб айтилган бўлса ушбу тўйхонада Сергели тумани ҳокимлиги томонидан катта тантана билан ўтказиб берилди.

— Хар йили анъанавий тарзда Наврўз ва Мустақиллик байрамлари олдида болажонлар ва ёшларнинг суннат ва никоҳ тўйлари мана шундай чиройли қилиб ўтказиб берилди. — дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Баҳодир Қурбонов. — Туман ҳокимлиги томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ноғирон инсонларни қўллаб-қувватлаш, беминнат кўмак бериш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунгача суннат тўйлари ўтказилган болажонлар сони 1800 нафардан ортиб кетди. Уларнинг барчасига тўй сарполари кийгазилди, мактабга чиқариладиганларга эса мактаб формалари олиб берилди. Ушбу тadbирларни ўтказишдан мақсад ёшларимизга доимо ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг она-Ватанга садоқатли ва ватанпарвар бўлиб вояга етказишга ҳисса қўшишдир. Чунки меҳр-мулоҳабат қуршоғида ўсган, одамлардан оқибат кўрган ҳеч қайси инсон ёмонликка юз бурмайди.

Биз тadbир иштирокчиларини қузатар эканмиз ота- оналар ва болажонлар юз- кўзларида порлаган шукроналик ва миннатдорлик туйғуларидан бир олам завқ ва гурурга тўлдиқ, одамиийлик, бағрикенглик ҳислатлари тантана қилган юртда яшаётганимиздан фахрландик.

— Мен «Кипчак» маҳалласида яшайман, — дейди сарполлари ўзига ярашган ўғлига меҳр билан термулиб турган Дилноза Тошметова. — Ҳали Сарваржон бу йил 5 ёшга тулади. Ҳамиша яхши, меҳр- оқибатли одамлар орасида яшашнинг ўзи бир бахт экан. Туманимиз ҳокими ва савоатли инсонлардан жуда миннатдоримиз. Маҳалламиздаги кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож инсонларга кўрсатиб келинаётган беминнат кўмак тўғрисида диллар шод, келажакка ишонч ортоқда. Раҳмат, яхшилар дегим келди.

— Бугун менинг тўйим бўляпти, — дейди шўҳ мусиқага яйраб ўйнаётган Шавкатжон Абдурахмонов. — «Мустақиллик» маҳалласида яшайман. Ёшим 7 да. Бу йил мактабга чиққан, шунинг учун мактаб формалари ва ўқув дафтарларини ҳам беришди. Ҳаммага катта раҳмат дейман, катта бўлсам мен ҳам ҳамма болаларга совға- саломлар олиб бераман.

Биз яна Ҳабибий маҳалласидан Павел Баранов, «Қўшқўрғон» маҳалласидан Мавлуда Мавлонова, «Хонобод» маҳалласидан Замира Пардаева каби бир гуруҳ онахонлар ва қатнашчиларнинг дил сўзларини эшитдик, уларнинг қувончларига шерик бўлдик.

Шуниси эътиборга моликки, ушбу тadbирда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан тўй болаларга спорт кийимлари ва хизматлари совға қилинди. Тўй-тўйга уланди. Айниқса Аббор Хидоятлов номидagi маданият уйи бадий ҳаваскорлик жамоалари, Олимпия умидлари мактаби спортчилари, 284-мактабнинг «Баҳор ғунчалари» рақс дастасининг чиқишлари, шўҳ тарона ва яллар барчага маъқул бўлиб тadbирнинг ниҳоятда завқли ва кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилди.

Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Энг азиз, энг улуг байрамимиз албатта, маҳалларда, корхона ва ташкилотларда, хар бир хонадонда тўкин дастурхон атрофида нишонланади. Ана шу дастурхонимиз фаззини таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотлари, бири-бирдан тотли ширинликлар, салқин ичимликлар ишлаб чиқараётган тadbиркорларимизнинг ҳиссаслари салмоқлидир.

МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

Бугунги кунда пойтахтимизда муваффақият билан фаолият юритаётган «Ширин дунё» кўшма корхонаси жамоаси ўзлари тайёрлаётган мазаси оғизда қоладиган торт, пирожини ва турли печенюелари билан харидорлар эътиборини қозонди. Корхона цехларида замонавий, техника ва технологиялар асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар чиройли дизайни, талаб ва эҳтиёжга кўра қадоқланиши билан ажралиб туради.

— Ишчи-хизматчиларимизнинг қўлуг айём кунларида ишлари янада кўпайган, — дейди корхона раҳбари Шарофат Осмонова. — Айни пайтда маҳсулотлар тури 50 хилдан ортган бўлиб, барчасининг сифатига катта эътибор қаратилган. Албатта, барча жамоалар сингари бизнинг ҳам хар йилгидек мамлакатимизнинг улуг байрамига ўзига хос тўхфамиз бор. Байрам дастурхонига атаб 2 хил печенюе ҳамда «Нилуфар» тортини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ишончимиз комилки, ушбу маҳсулотларимиздан баҳраманд бўлган харидорларимизнинг байрам кайфиятлари янада кўтарилди.

ЁКИМИ ТАЪМГА ЭГА

Албатта, байрам дастурхонининг кўркини оширишда ранг-баранг салқин ичимликларнинг ўрни алоҳида бўлиб, улар нафақат чанқоқингизни босади, балки хуш кайфият бахш этади.

Шу боис ҳам «Тўйга тўёна билан» нақлига амал қилган «ПЕТ-ПЛАС» хусусий корхонаси тadbиркорлари харидорларга ўзларининг хуштама совуқ чойлари ва бир неча турдаги салқин ичимликларини тақдим этмоқда. Корхонада тайёрланаётган салқин ичимликларнинг тури ҳозирда 14 хилга етди. Айниқса, улар орасида ўзига хос таъмга эга бўлган ҳамда соғлиққа фойдали, тетиклаштирувчи совуқ чойлар барчага манзур бўлмоқда.

Тadbиркорлар байрам арафасида ана шундай хуштама чойларнинг бир неча турини турли ҳажмдаги пластмасса идишларга қадоқлаб, савдо шохобчалари орқали ҳамшаҳарларимизга тортиқ этаёпти.

БИРИ-БИРИДАН ТОТЛИ

Ширинликлар, қандолат маҳсулотлари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам бирдай ёқиб баробарида дастурхон фазои ҳам саналади. Шу боис ҳам байрам ҳамда тантанали кунларда уларни, албатта харид қиламиз.

Қандолат маҳсулотлари турларини кундан кунга кўпайтиришга муваффақ бўлаётган «SHARF-SHIRIN» хусусий фирмаси тadbиркорлари ҳам турли хил вафиллар, шokoladлар, конфет ва печенюелар тайёрлаб, уларнинг сифати ва қадоқланишига эътибор қаратмоқда.

Мазкур савдо белгиси билан чиқарилаётган қандолат маҳсулотларининг харидорлари Мустақиллик байрами арафасида қандолатчилар тайёрлаган янги турдаги начинкали печенюе ва чокорем маҳсулотларини ажойиб тўхфа сифатида қабул қилсалар, албатта оила аъзоларига шодлик улашадилар. Шу ўринда айтиш лозимки, яна тез кунларда корхонада илгор технологиялар асосида шokolad ҳамда ишлаб чиқариладиган қадоқланган янги турдаги чокорем маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Шарифа ИЛЁСОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРАРО ТУТУВЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

БУГҮН ҲАР БИР ОИЛА, ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ ҲАЁТИДА ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР РҮЙ БЕРМОҚДА. БИЗ УШБУ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТЕРАН АНГЛАЙМИЗ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАН БОШЛАБ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲАТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ.

Энг асосий ютуғимиз — бу умумий уйғимиз бўлмиш Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликдир. Бу омилар эса, ўз навбатида, мамлакатимизда эришилган барча муваффақият туб ўзгаришларнинг кафолати ҳисобланади. Эркинлик, тинчлик, дўстлик, миллатларо тотовлик каби сўзлар алоҳида аҳамият касб этмоқда, улар эзгу нијатларимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Меҳр-мурувват, хотин-қизлар, кексалар ва болаларни ҳурмат қилиш, энг яхши миллий анъана ва урф-одатларимиз эса халқимиз дунёқарашининг ажралмас қисмига айланган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги арафасида ўтказилган навбатдаги тadbирнинг мақсади жамиятда фуқаролар тинчлиги, тотовлиги ва барқарорликини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ана шу омиларни аниқлашдан иборат эди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида ўтказилган сўровнинг мавзуси «Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат» деб номлангани ҳам бежиз эмас. Сўров натижалари истиқол йилларида ҳамоюрларимиз (95,9 фоиз) жамиятда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо тотовлиқни қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган ушбу тadbир шунини кўрсатадики, Ўзбекистон фуқаролари (90 фоиздан ортиги) Президентимиз юритаётган миллий сиёсат ва давлатнинг одамлар ҳақидаги ғамхўрлигини жамиятимизда миллатлар ва фуқароларо тинчлик-тотовлиқни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти, деб ҳисоблайди.

Сўров натижаларига кўра, юксак ватанпарварлик туйғуси, Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланиш ҳисси кўпчилик ҳамоюрларимизга хос хусусият экани аниқланди.

Ижтимоий тadbир ҳамоюрларимиз Конституцияда белгиланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилинаётганини юқори баҳолашини кўрсатди. Сўров қатнашчиларининг 94,7 фоизи ўз ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинмоқда, деб ҳисоблайди. Сўров давомида олинган жавоблар Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги сиёсат муваффақиятли амалга оширилаётганини тасдиқлайди. Демократик давлат барпо этиш шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Негаки, аҳолининг хабардорлик даражаси нафақат одамларнинг қонунлар, давлат органлари фаолиятига, балки, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларга бўлган ишончли муносабатини белгилайди. Зеро, фақат маърифатли жамиятгина Конституцияда кафолатланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалда қўллашга қодирдир. Айнан шу боис сўровда широк этганларнинг кўпчилиги мустақиллик йилларида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ўсиб бораётганини қайд этмоқда.

Аксарият ўзбекистонликлар давлат тилини яхши билишини намойиш этди. Ўзбек тилини мукаммал билмаган сўров қатнашчилари эса уни ўрганиши истаги борлигини билдирди. Жамоатчилик фикри шундан далолат берадики, заминимизда яшаётган хар бир миллат ва элнинг анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш, эҳтиёжларини қондириши учун миллий маданият марказлари ташкил этилган.

Сўров давомида олинган натижалар мамлакатимизда миллатларо муносабатларни ифода этувчи ижобий тенденция мавжудлигини кўрсатди. Аксарият сўров қатнашчилари бундай муносабатларни «яхши» ва «жуда яхши» деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, ҳамоюрларимиз мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни ижобий баҳолайди, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо тотовлик мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

Сўров иштирокчилари (95 фоиздан ортиқ) Ўзбекистон Президентини мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг кафолати деб билади. Бу Юртбошимизнинг истиқлол йилларидаги фаолияти юқори баҳоланаётганидан далолатдир.

Сўров натижалари Ўзбекистонда қарор топган миллатларо тотовлик турли этник қадриятларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлишга асосланганини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг аксарияти, миллатидан қатъи назар, миллий мансублиги бўйича ҳеч қандай кийинчиликларга дуч келмаганини таъкидлади. Миллатларо муносабатларда бундай даражага эришиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсонпарварлик, умумбашарий қадриятлар, республикадаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, дўстлик ва миллатларо интеграциялашувга асосланган изчил миллий сиёсатининг ёрқин самарасидир.

Мухтасар айтганда, ўтказилган тadbир натижалари Ўзбекистонликлар мамлакатда истиқлол йилларида қўлга киритилган тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо тотовлиқни юқори баҳолашини кўрсатди. Фуқароларимиз Юртбошимиз томонидан юритилаётган изчил ва самарали миллий сиёсатни ана шу ютуқларнинг асосий шартлари, деб ҳисоблайди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎЗА шарҳловчиси Л.СТРУНИКОВА тайёрлади.

ЭЗГУЛИК ВА УЛУҒВОРЛИК ТИМСОДИ

ҲАР БИР ЮРТНИНГ ДУНЁГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШГА АРСИЙДИГАН ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ, МАҲОБАТЛИ ЁДГОРЛИКЛАРИ, ҲАЙРАТОМУЗ ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАРИ БЎЛАДИ. МИСР ЭҲРОМЛАРИ, БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ, ЭЙФЕЛ МИНОРАСИ, ТОЖ МАҲАЛ... АЛБАТТА, БУТУН ДУНЁГА МАШҲУР БУНДАЙ БЕТАКРОР ИНШООТЛАР ЎЗ САЛОБАТИ, ГЎЗАЛ ВА ФУСУНКОРЛИГИ, ЖОЗИБАСИ, МЕЪМОРИЙ ЁЧИМИ БИЛАН ДУНЁНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДАН КЕЛГАН САЙЁҲЛАРНИ ЎЗИГА РОМ ЭТАДИ.

Бизнинг она заминимизда ана шундай ноёб обидалар жуда кўп. Буюк аждодларимиз қолдирган бой моддий ва маънавий мерос, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг эзгу хосифоси бўлган минглаб осори атикаларимиз, асрларки, дунё ахлини ҳайратга солиб келади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қарши сингари қадимий шаҳарларимизни зиёрат қилиш учун келган хар бир хорижлик сайёҳ бу ҳақиқатни эътироф этмасдан қолмайди.

Бунёдкорлик — элимизнинг табиатиға мос ҳислат. Хусусан, истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан кайтадан чирой очган муқаддас қадимжолар, шаҳар ва қишлоқларимиз кўрkingа-кўрк бағишлаб турган қанчадан-қанча замонавий иншоотлар, маъмурий ва тураржой бинолари, боғ ва хиёбонлар, кўприк ва йўللар — барча-барчаси халқимизнинг фидокорона меҳнати, ғайрат ва шижоати маҳсулидир.

Муаззам Тошкент шаҳрида амалга оширилган ва амалга оширилаётган бетимсол ишлар, пойтахтимизнинг йил сайин ўзгариб, гўзаллашиб бораётгани хар бир ватандошимизга чексиз гурур ва ифтихор бахш этади. Айниқса, Мустақиллик майдонида бўлган хар бир қишлоқ истиқлолнинг том маънодаги шукҳини, юртимизнинг куч-қудратини, Ватан туйғусини теран ҳис қилади.

Кейинги йилларда олиб борилган кенг қўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари натижасида Бош майдонимиз мустақиллигимизнинг ҳақиқий тимсолиға, фусункор масканга айланди. Бу ерда қад ростлаган, ўзгача кўрку тароват касб этган Олий Мажлис Сенати, Ҳукумат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира майдони, Мотамсарона ОНА хайкали бир-бири билан уйғуллашиб, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг ўтмиши, бугунги кунини, порлоқ истиқболини ўзида намойиш этиб турибди!..

Юртимизда қарор топган осойишталик ва фаровонлик рамзидир. Майдонни кезар экансиз, беихтиёр сирли, улугвор, хаяжонли ҳислар асирига айланасиз. Бу масканнинг улугвор ва кенглиги, ундаги биллур фаввораларнинг жўшқинлиги, осмонимиз мусофалорига юрагингизга оқиб қираётгандек туюлади.

Бу гўша эртаю кеч қалби эзгуликка, покликка лиммо-лим ҳамоюрларимиз билан гаҳжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлида гулдаста тутиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи томон одимлаётган бахтиёр келин-куёвлар, истиқлол ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган, шўҳ-шодон, кичкинтойлар, қалби қайноқ навқирон йигит-қизлар, юзларидан нур ёғилиб турган отахон онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида ўйлайсиз.




— Пойтахтимизга бундан йигирма йил маҳсулидир.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбат қурманг, ана шундай самимий, дилқаш фикрларни, ҳақли эътирофни эшитасиз. Зеро, пойтахтимиз Ўзбекистон аталмиш овоз ва обод диёрнинг бош кенти, маданият ва маърифатнинг қадимий бешикларидан бири, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик шаҳри сифатида бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Бу ерда ўтаётган турли халқроқ мусобақалар, кўрик-танловлар, анжуманлар Тошкент доврўғини янада оширмоқда.

Юртимизда маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, хусусан, пойтахтимизнинг, юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси кенг миқёсда эътироф этилаётир.

Айни пайтда Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда янада кенг қўлама қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Бир қатор замонавий иншоотлар, янги йўللар ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётир. Демак, азим Тошкент янада чирой очиб, гўзаллашиб бораверади. Зотан, Тошкент — буюк келажак сари дадил одамлаётган юртининг уриб турган юраги, улкан ишларга қодир бўлган бунёдкор халқнинг жоноҳон пойтахтидир.


Рустам ЖАББОРОВ, ЎЗА шарҳловчиси



«Тошкент озик-овқат захираси»

**Давлат унитар корхонаси
жамоаси**

азим пойтахт аҳли ва
соҳа ходимларини Энг улур ва
азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги
шодиёналари билан табриклайди.
Барчангиз соғ-саломат,
бахтли-саодатли бўлинг.
Хуш кайфият доим
сизларга ёр бўлсин.



МУХТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда шукуҳли айём шодиёнаси ҳукм
сураётган айни кунда сизларни
Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан
чин юракдан табриклаймиз.

Озод ва обод юртда Истиқлол нашидасидан баҳ-
раманд бўлаётган ҳар бир ватандошимизга сиҳат-
саломатлик, ишларида улкан ривож тилаймиз.
Дастурхонингиз ҳамиша тўкин, бахт-саодатингиз
доимо бутун бўлсин!



**«NISO TEKSTIL»
хусусий корхонаси
жамоаси**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ,
ҲУРМАТЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

«НАЗАРБЕК АВТОЙЎЛ»

Давлат корхонаси жамоаси


Сизларни Энг улур байрамимиз —

Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан

**самимий
муборакбод этади.**

**Юртимизга ҳамиша
тинчлик, хонадонингизга
файзу барака тилаймиз.**

Мустақиллик қуёши бошимиз узра абадий нур сочсин!



«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2008 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган куйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 29.02.2008 йилдаги ЖСК-1-75/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «Тико» русумли, д/р 11У 2054 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2.000.000 сўм. — «Тико» русумли д/р 17S1424 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2.000.000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 01.02.2008 йилдаги 2-45-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, «Тойота Прадо» русумли, д/р М6547 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели тумани судининг 20.08.2008 йилдаги №1-748/02-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Темур кўчасидаги Дау Автосервис 2-бокисида сақланаётган, «Опель-Омега-А» русумли* д/р 1000525 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 770 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги куйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО: 00901, ИНН:200933850, х/р 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-й. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари,
ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумотлар учун телефон:
233-28-95.

Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз:
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Мустақиллик — тақдиримда

ИСТИҚЛОЛИМ — БАХТИМ МЕНИНГ

ДИЛДОРА АВЕЗОВА, «ТАШАББУС — 2008» КҮРИК-ТАНЛОВИ ПОЙТАХТ БОСҚИЧИ ГОЛИБИ, «ЭНГ ЯХШИ ХУНАРМАНД»:

— Не бахти, биз мустақил Ўзбекистоннинг хур ўғил-қизларимиз. Бугунги кунда юртим жамолига қараб кўзларим қувониб кетади, ана шу гўзалликка ўз хиссамни қўшгим келаверади. Ахир биз ота-боболаримизнинг азалий орзуси бўлган эркин ва озод, мустақил ва обод Ватандан яшаётимиз, ўқияётимиз, меҳнат қилаётимиз.

Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз, Президентимиз айниқса, биз ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу боис ҳам менинг тенгдошларим бугунги кунда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, билим олмақда, изланмақда, ўз иқтидорларини барча соҳаларда намойиш этмақда. Кўплаб ёшлар илгор ҳорижий давлатларда тахсил олмақда, маляка оширмақда, шунинг баробарида Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканлигини кўрсатмақда.

Мен ҳам ўзимни ана шундай буюк

неъматнинг тотли меваларидан бахраманд бўлаётган ёшлар қаторида эканлигимдан бениҳоя фахрланиб кетаман. Ҳа, Мустақиллик туфайли ўзалигимиз намойиш бўлди, миллий қадриятларимиз эъзозланиб, шарқона урф-одатларимиз бор буй-баста билан тикланди. Бундан қувонмай, ҳаяжонламай бўладими?!
Хар йили Энг ази, энг улуг байрам — Истиқлол шодиёналарини ўзгача руҳ, ўзгача шуқуҳ билан нишонламоқдамизки, чунки эришган муваффақиятларимиз юксалиб бормоқда.

Мен юртимга, халқимга меҳримни азалий анъаналаримизни тиклашга, момоларимиз хунарларини давом эттиришга муносиб ҳисса қўшиш орқали избор этаётганимдан беҳад мамнунман. Болаликдан попона-қаштачилигига меҳрим бўлакча бўлди. Мана 7 йилдан буён шу хунарни эъзозлаб келаман. Шундан хурсандманки, биз хунармандлар учун эркин фаолият юритишга, ижодий изланишга,

маҳоратимизни намойиш этишга мустақил диёримизда барча шарт-шароитлар яратилган, имтиёзлар белгиланган. Хунарга чекис муҳаббатим боис устозларимдан хунар сирларини эринмай ўргандим. Ҳозирда Республика «Тадбиркор аёллар» уюшмаси қошидаги ўқув маркази раҳбариман. Шунинг баробарида жорий йилда Тошкент Тўқмачилик ва энгил санъати институтини тугатдим.

Фаолият бошлаганимга кўп вақт бўлмасада, имкониятлардан оқилона фойдаланиб, попопчиликнинг унутилган олти нусхасини қайтадан тиклашга муваффақ бўлдим. Яратган махсулотларим нафақат, юртдошларим, балки хорижликлар эътирофига ҳам сазовор бўлаётгани Истиқлол шарофати, унинг менга берган улкан имкониятидир.

Мустақил Ўзбекистонимнинг бахти кўлган ёшларидан бириман десам асло муволафа бўлмайдим. Чунки 2003 йилда Зул-

фия номидаги Давлат мукофотиға муносиб топилдим. Утган йилда Хитойда ўтган Ёшлар мода ҳафталигида муваффақиятларим эътироф этилди ва пойтахтимизда ўтказилган «Мода ва дизайн» ҳафталигида 1-ўринни эгалладим.

Жорий йилни Юртбошимиз Ёшлар йили деб эълон қилганларида қалбим гурурга тўлди. Мана шу йилга муносиб бўлишни ният қилдим. Не бахти, ниятим холис экан, йўлимда йўлдош бўлди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Миробод тумани ва шаҳар босқичларида 1-ўринни қўлга киритдим ва «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлдим. Республика босқичида эса пойтахт шарофитини ҳимоя қилиб, «Энг ёш тадбиркор» номинанцияси голиби бўлдим. Рағбат ва мукофотлар мени ўз ниятларим йўлида дадил одимлашга, юртим довуригини жаҳонга ёйишга ундамоқда. Чиндан ҳам Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, биз ёшлар ҳеч қандам кам эмаслигимизни ва ҳеч қачон кам бўлмаслигимизни ҳамиша ёдимизда тутишимиз ҳамда амалда исботлашимиз даркор. Ахир биз келажаги буюк давлатнинг, мустақил мамлакатнинг оловқалб бунёдкорларимиз-ку.

КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ЁШЛАР АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуқратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир» мавзюда ўтказилаётган мазкур китоблар кўргазмасидан қўзланган мақсад зиё масканининг асосий ўқувчилари — ёш авлодни истиқлолнинг асл мазмун-моҳияти, ўтган йилларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, мустақилликнинг саодатли неъматлари, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан таништиришдан иборатдир.

Кўргазмада халқимизнинг асрий орзуси бўлмиш истиқлолнинг кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритилган буюк тарихий ютуқ экани баробарида, ҳар бир ҳамюртимиз учун эркинлик, озодлик тимсолига айланганини очиб берувчи сиёсий, ижтимоий, илмий нашрлар, ранг-баранг фотосуратлар, плакатлар, рисолалар, мақолаларга кенг ўрин берилган.

Кўргазма Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда, жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини акс эттирувчи бўлим билан бошланади. Бу ерда давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йилнинг 1 май куни имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги фармони доирасида бажарилаётган ишлар акс эттирилган фотосуратлар, янги рисолалар, китоблар билан танишиш мумкин.

«Юксак маънавият — энгилмас куч» мавзюдаги бўлимда миллий маънавиятимиз асосларини тиклаш, умрбўқий анъана ва қадриятларимизнинг қайта кўз очилиши билан боғлиқ адабиётлар намойиш этилаётган бўлса, кўргазманинг «Ёшлар — юрт таянчи» бўлимида навқирон авлод қамолоти, истиқболи, келажаги йўлида амалга оширилаётган улкан эзгу ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг моҳияти, навқирон истеъдод соҳибдорларининг қўлга киритган ютуқларига оид янги адабиётлар, фотоальбомлар намойиш этилмақда.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Транспорт

МЕҲНАТИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

ОДАТДА, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШГА ЧИҚИШДАН ОЛДИН УЛАРНИНГ ТЕХНИК СОЗЛИГИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛАДИ. БУНДАЙ ТАРТИБ-ҚОНДА 2519-АВТОЖАМЛАНМА ЖАМОАСИ УЧУН ҲАМ ҚАТБИЙ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛГАН.

Бу корхонадан ҳар тонг 70 дан ортиқ автобус йўлга чиқиб, кун бўйи йўловчилар хизматида бўлади. 9 та йўналишда қатнаётган 24, 30, 83 каби автобуслар катновидан ҳам аҳоли мамнун. Бу транспорт воситаларининг техник саз бўлишини таъминлашда чилангар Ҳамид Дибировнинг ҳам ҳиссаси бор. Носозлик ҳолатларини бартараф этишда самарали хизмат кўрсатиб келаётган бу механикнинг кўп йиллик фаолияти муносиб тақдирланди. У «Тошхартрансхизмат» уюшмаси томонидан фахрий ҳодим нишони билан мукофотланди.

САРОЙДА ИШ ҚИЗГИН

КЕЙИНГИ ВАҚТДА «ТОШХАХАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ 2-АВТОБУС САРОЙИ ФАОЛИЯТИДА СЕЗИЛАРЛИ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА. ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҲАМ ҚАТОР ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.

Корхона яна бир неча автобусларга эга бўлди ва шу каби бошқа ютуқлар уюшманинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиб, янги вазифалар белгиланди.

МЕТРОЧИЛАР ФАХРИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БЕКАТЛАРИ ЙЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ДОИМ ГАВЖУМ БЎЛАДИ. «ТОШКЕНТ» БЕКАТИ ШИМОЛИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ ЁНИДА ЖОЙЛАШГАНИ ТУФАЙЛИ ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ КЕТИ ҲАМДАЙДИ.

Бир кунда режадаги 4 та вагондан иборат ҳаракат таркибини қабул қилиб олиш ва уларни жўнатишда бекат навбатчиларининг фаоллиги эътиборга лойиқдир. Гулнора Исмоилова, Назира Ғофурова, Светлана Врарга каби моҳир бекат назоратчилари ҳам ер ости қасри жамоасининг фахри бўлиб қолишди.

Тиббиёт

БОЙ ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

«САЛОМАТЛИК-2» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТИББИЙ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА. ҲАМШИРАЛЛАР ФАОЛИЯТИНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ҚАРАТИЛГАН АНЖУМАН ЭСА БУОК БРИТАНИЯ БОЙ ИШ ТАЖРИБАСИНИ ОММАЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ.

Унда Шотландиядан республикамизга ташриф буюрган шифокорлар ўз билим ва маҳоратлари билан ўртоқлашдилар.

Шотландия ҳамшираларни ўқитиш маркази етакчи мутахассиси Морга Макормик томонидан ташкил этилган учрашувлар айниқса мароқли бўлди.

Буюк британиялик меҳмонлар Тошкент Тиббиёт академиясининг иқтидорли ҳамширалари билан ҳам давра суҳбати ўтказдилар.

Акбар АЛИЕВ

Истиқлол мушоираси

Икбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕК ЎҒЛИ

Икки дарё ўртаси кенг дастурхон,
Туз тотгансан, тузлигини унутма.
Дастурхонни белбоғ қилиб ўстирган
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

Садарайхон букигани — сўлагани,
Эр йиғининг эзилгани — ўлагани.
Йўл бермагил душманларга кулагани,
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

Ўзбек десам жаранлаган тор келур,
Ундан олдин номус ила ор келур.
Бургут келур, лочин келур, сор келур,
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

Унутмагил насабингни, зотингни,
Умид билан отанг қўйган отингни.
Асра эрта қунигини — зурдингни,
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

Бўшамасин эинхор ёғоч бешигинг,
Қулф кўрмасин дарвозао эишинг.
Йиғилмасин сунадаёи тўшагинг,
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

Кўнга келган қулфатларга чап берма,
Маҳмадона майналарга гап берма.
Кўнгул овод бўлсан, сиртга зеб берма,
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

Ночор қолсанг нокас қўлини тутма,
Арслондан-ку тулки йўлини тутма.
Ушғабдан ўзадан марҳамат тутма,
Ўзбек ўғли, ўзлигини унутма!

ОНА ТУПРОҚ

Алиёлар, даҳоларнинг бешигисан,
Нақибандлар топган жаннат эшигисан.
Тиркичилиқ навоси ҳам қўшигисан —
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,
Ўзбекистон, ота макон, она тупроқ!

Юрагимда тулпорларнинг дуқурлари,
Қайси юртининг бордир буюк Темурлари?
Оловлардан омон чиққан Семурғлари,
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,
Ўзбекистон, ота макон, она тупроқ!

Кимларнингдир кўкрагида тумор бўлдинг,
Кимларнингдир кипригида гўбор бўлдинг,
Гоҳда мард бир ўзюнга хумор бўлдинг.
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,
Ўзбекистон, ота макон, она тупроқ!

Асл фарзанд меросига посбон бўлгай,
Озод элиниг орзулари осмон бўлгай,
Боболарим исмин айтсам дoston бўлгай,
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,
Ўзбекистон, ота макон, она тупроқ!

Ота уйин фароғатин билмаганлар —
Иккиси бир, бири икки бўлмаганлар,
Тупроқтеги бўлиб зор-зор йиғмаганлар...
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,
Ўзбекистон, ота макон, она тупроқ!

ВАТАН ТИНЧ — БИЗ ТИНЧ

Ховучимдан охулар сув ичган кунлар,
Хурлиқлар афсусларин ечган кунлар.
Гул умримда асал кунлар кечган кунлар,
Сура мисол лабларимдан тушмади ҳеч —
Ватан тинч — биз тинч.

Худого бир айтганимнинг ижобати,
Юз иссиғи, кўз иссиғи ҳидоати
Мустақиллик берган бахту саодати.
Борлигимда оқ гулларин очган севинч —
Ватан тинч — биз тинч.

Тунлар гўзал тушлар қўриб ухлайдирман,
Тонларда гунчалайман, гулайдирман.
Кўнгуллари кўнгуллarga йўлайдирман,
Дил уйини ушлаб турган муқаддас синч —
Ватан тинч — биз тинч.

Сув ўтларин шивирлаши булғиғида,
Чечакларнинг пичирлаши қулоғида,
Фақат бешик гичирлаши қулоғида
Кўз тегмасин такрорлайман
оҳиста тинч —
Ватан тинч — биз тинч.

Шу Ватанин севаман жондан
Севдим яна гўзал бўлди у.
Оққуш бўлди ҳар тушдан қори,
Ҳар ёмғири асал бўлди у.

Қўлимга сув қуйди булоғи,
Шамоллари тутдилар сочқи.
Уйўли очгани сайин.
Йўли бўлди шунчалар очқи.

Шу Ватанин севаман жондан
Севдим яна ошлар бўлди у.
Оқ каптарлар — олам, синглиму,
Жайронлари жигар бўлди у.

Гулзор ичра хонқизчалари
Лабин қўйди бармоқларимга.
Мусичаси туллари ювоши,
Юриб чиқди қабоқларимда.

Шу Ватанин севаман жондан,
Севдим бахти бекам бўлди у.
Бўричалар эмишанларим,
Қоплонлари акам бўлди у.

Шеърларимга сарлаҳа ёздим,
Кийик ўтган сўқмоқларидан.
Ҳайратимнинг нафасин севдим,
Қизғалдоқнинг титроқларидан.

Шу Ватанин севаман жондан,
Севдим, қатра қоним бўлди у.
Қўзим, сўзим, умри баёним,
Жоним бўлди, жоним бўлди у.

Зулфия МҮМИНОВА

ишга қайтишларига хизмат қилмоқда.

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдимки, — дейди Мирёкуб Тўлаганов суҳбатни давом эттирар экан, — давлатимиз томонидан ҳар бир соҳа ривожига қатъий эътибор қўрилатилган экан биз ҳам йўловчиларга юксак маданиятга хизмат кўрсатишимиз керак. Биз ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда ҳайдовчи ва чиптачиларимиздан хушмуомала бўлишни, ҳамшаҳарларимизни манзилларига бехатар етказишни талаб қолдирмоқда. Қулай ва раво йўللар, шинам, замонавий автобусларда хизмат кўрсатишининг ҳам энгиллик ва қулайлиги бор, албатта. Абдурашул Абдуворисов, Туроп Самигов, Яшин Бақоев, Абдурахим Юсупжонов ва Самиг Холиқов каби моҳир, интизомли ҳайдовчиларимиз бу борада ҳамкасбларига намуна бўлиб келмоқдалар.

Албатта, бошқарув раисининг жонқуярлиги бежизга эмас, ахир Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини, 2009 йилнинг май ойида эса пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйини нишонлаймиз. Шундай экан қўшалоқ байрамларини муносиб кутуб олишга барчамиз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Шоира ЮСУПОВА

ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ҲАЗРАТИ ИМОМ» МАҲАЛЛАСИ «ОХУНГУЗАР» ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Шу ҳудудда истиқомат қилиб келаётган отахону онахонлар байрам дастурхонига таклиф этилдилар. Уларни яқинлашиб келаётган кутлуғ айём билан йиғин раиси Абдулла Маҳмадалиев муваффақият билан тўғри 17 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, маҳаллаларнинг обод бўлиб бораётганлиги, ана шундай шароитда ёшларни миллий анъаналаримизга садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб бориш лозимлиги ҳақида гапирди. «Ҳазрати имом» масжиди имоми Абдулазиз қори маърузаси ҳам хушхулуклик, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиб яшаш мустақилликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги хусусида бўлди.

Тўқин дастурхон атрофида тўпланган отахону онахонлар бу пурмаъло фикрларни маъқуллаб, кўп йиллар армон бўлиб келган мустақиллигимизнинг мустаҳкамлиб бориши, Ватанимизнинг раванқ топиши йўлида дуою фотиҳалар қилдилар.

Н.ХОЛИҚОВ

БУЮК БАЙРАМ МУБОРАК!

Бадиа

О, она диёрим! Бугун сенинг туғилган кунинг! Сени кўлаш учун олтин остонангга олмос сонални, япроқлари гуркираб турган меҳр ва муҳаббат гулларини, садақот гулларини элтмақдаман!
Сенга севгим рамзи бўлмиш, юрагим қонини сувдай симириб, қалбимнинг оташ хароратида барқ уриб, ифос сочаётган гулларини, худди Қазба остонасида тургандек, туҳфа этмақдаман, оёғинг остига сочмақдаман, она диёрим!
Сен гулларга абадул-абад гўл бўл!
Сен фақат муҳаббатга муносибсан!
Сени фақат севмоқ керак. Сен буюксан! Эро, сени севганларгина буюк! Сени ардоқлаганларгина буюк! Сен шундай муқаддас даргоҳсан-ки, сени севган сари, сенга муҳаббат қўйган сари инсон юксалаверади. Сен шундай муқаддас тулроҳсанки, сенга экилган фидойилик гуллари, сенга бахшида бўлган меҳр-муруват туғилари қўлағи чечаклардай оламни тўлдириб уйин чиқади, ёруғ жаҳонни боғу бўстонга айлантиради.
О, она диёрим! Бугун сенинг туғилган кунинг!
Бундан ўн етти йил муқаддас айни мана шу кун сенинг бағринга баҳор кириб келган эди. Вужудинга яшаш-яшаши фақат бўлмиш баҳор кириб келган эди. Неча асрлардан буён келмаган, неча йиллар орзиқтириб, соғинтирган, неча йиллар қон юртириб куттирган, қарқотан аёзидан зор-зор қақшатиб, ўзининг нақадар улуглигини ўқитган озодлик ва

эрк фасли бўлмиш кўклар келган эди. Мана бугун у кўрк очиб, кўзларини қувонтириб, юрақларини ларзага солиб чирой очмоқда. Тароватини ёймоқда! Бугун барчаннинг қалбидаги қувонч, шодлик ва севинч мана шу баҳор янграган таронадан! Мана шу баҳор уйғотган фараҳбахш мастоналикдан, сарафроздандин!
О, она диёрим! Баҳоринг абадий бўлсин! Баҳоринг, ҳар биримизнинг юрагимизни, онгимизни, тафаккуримизни, умримизни, ҳар доим гулу ифлорларга тўлдириб, яшнатарверсин, юрган йўлимизни боғу-бўстонга, армон саҳроларимизни барқ уриб гуллаган чаманзорга, тушқунлик чоҳларини нурафшон манзилларга, кўз кўриб, қўл етмаган юксакликлар салобатини, шиддат-шижоатимиз олдида арзимасга айланттир, токи сен буюк тоғ бўлсанг, сенинг қояларинг, сен буюк уммон бўлсанг, сенинг ирмоқларинг, сен буюк китоб бўлсанг, зарварларинг бўлмиш сенинг фарзандларинг, дилбандларинг, пайғандларинг оламга сендай мўтабар зот ҳақида жар солсанлар, сенинг буюклигиндан куч олиб буюк бўлсанлар, буюк Ватанинг буюклигини давом эттирсинлар, бутун инсониятга фақат ва фақат тавфиқу хидоят, бахт ва саодат, тинчлик ва хотиржамлик, омад ва инсоний улугворлик тиловчи сендай бир буюк Ватан ҳақида сўз айтиб олам маърифатхонасида мангу машъала ёқсинлар! Олам маърифатхонасини илму-ҳикмат гулдасталари билан тўлдирсинлар!
Буюк қаддинга қараб,
азизим Ўзбекистон,
дермиз, сенга шон-шараф
дермиз, сенга шараф-шон!
Мухаммад ИСМОИЛ

Тадбирлар

ФАҲРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗДАГИ ҚОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИЛАРИ ВА МАҚАЛЛАЛАРДА ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАЛАРИ ОЛДИДАН УЧРАШУВ, ДАВРА СУҲБАТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

жани вақтинда илгари 102 фозига бажаришга эришилди. Маълумки, кенг ва раво кўчаларимизга муносиб тарзда замонавий, қулай ва шинам транспортлар хизмат кўрсатмоқда. Бизнинг саройимизда ҳам 60 та Мерседес-Бенц, 40 та «Исuzu» русумдаги микроавтобус ва 30 та «Лаз» русумидаги автобуслар бор. Уларнинг йўловчиларнинг узогини яқин қилиши, техник ҳолатининг ҳаммиша шай бўлиши йўлида моҳир, тажрибали чилангар ва техникларимиз сифатли хизмат кўрсатишди.

— Ҳайдовчилардан йўловчиларга намунали хизмат кўрсатилишини талаб қилиш билан бирга уларнинг ишдан бўш вақтларида яхши дам олишлари, моддий рағбатлантириш, барча

шарт-шароитларни яратиш бозорига ҳам қайғуриб келмоқдамиз, — дейди суҳбатимизга қўшилган автосарой қасаба уюшма кўмитаси раиси Мухтор Йўлдошев. — Кунни кеча чиройли байрам дастурхони ёзиб тадбир ўтказдик. Унга уруш ва меҳнат фахрийлари, саройда узоқ йиллар меҳнат қилиб ҳозир нафақада бўлган фахрийлар ҳамда ёш ҳайдовчиларнинг бу йил 1-синфга борадиган фарзандлари таклиф этилди. Уларга фахрий ёрлик ва эсдалик соғвалари, 18 нафар қизлар, 13 та ўғил болаларга мактаб формалари ва ўқув қуроллари топширилди. Дам олиш масканларига имтиёзли йўлнамалар берилиши ҳайдовчиларимизнинг меҳнат таътили вақтида яхши дам олиб, хуш кайфият билан

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ҲУРМАТЛИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ!

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ
ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ**

Сиз азизларни ҳаммамиз учун
Энг улуғ ва энг азиз
байрам — Мустақиллигимизнинг
17 йиллиги билан чин юракдан
муборакбод этади. Сизларга
муштақкам соғлиқ,
бахт-омад,
оилангизга тинчлик-
фаровонлик тилаймиз.
Озод ва обод,
жаннатмакон юртимизда
тинчлик-осойишталик
барқарор бўлсин. Истиқлол
қуёши заминимиз узра
мангу чарақлаб турсин.



Мароқли дам олиш учун боғимизга марҳамат қилинг.

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, КЕЛАЖАГИМИЗ
БУНЁДКОРЛАРИ БЎЛМИШ ЁШЛАР!**



Энг азиз ва улғу байрам —
Мустақиллигимизнинг
17 йиллиги ҳамда энг ўқув йили барганизга
муборак бўлсин.
Буюк келажагимизни
бунёд этиш борасидаги ишларингизда бахт
Ва омад ёр бўлишига тилакдошимиз.
Тошкент Радиотехника ва
автоматика касб-хунар коллежи
жамоаси

АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Энг улуғ ва азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан
барчангизни самимий қутлаймиз.



Юртимизни янада обод этиш,
азалий кадриятларимизни тиклаш
йўлидаги савий-ҳаракатларингизда
омад ёр бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси кино,
сурат ва овозли хужжатлар
Марказий давлат архиви жамоаси

Азиз юртдошлар, қадрли ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари!

Барчангизни кириб келаётган Энг азиз ва улғу байрам —
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК
шодиёналари билан самимий муборакбод этамиз.

Меҳнатда, ҳаётда ва спортда
эришган ютуқларингиз умрингиз
мазмунини безасин. Улкан
муваффақиятлар калити ҳамيشа
сизнинг қўлингизда бўлсин.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИШ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ОГАҲИЙ ҲИКМАТЛАР

Бас кишиким, оқилу донодурур, Фаҳму хирад бирла тавонодурур.

Олию озода тутуб ҳимматин, Даҳрға сарф айламағай рағбатин.

Базмғаҳи айшиға алданмағай, Рағбат ила давриға айланмағай.

Кўргай онинг айшию ранжигни тенг, Билгай онинг фақрию ганжини тенг.

Балки тутуб тенг йўку борини, Чекмағай онинг гами озорини.

Одат ўлуб сабру қаноат анго, Иш туну кун бўлғой ибодат анго.

Гар амалинг бўлмаса, не фойда, Борча сўзинг бўлғуси бефойда.

Кишиким бўлса ишқ аро содик, Анго маъшук бўлғуси ошиқ.

Ҳажр аро ошиқға бир дам, Узоқ юз йилча бўлғай, балки кўб ҳам.

Агар, ҳар ким талабда бўлса содик, Етар матлубиға сидқиға лойик.

Тушуб илкига ҳар мушқил калиди, Очилмай қолмағай ганжи умиди.

Ким бўлса суқун аро дилтанг, Сайри саҳроға айласин оҳанг.

Сайр ўлуб мужиби нишоти онинг, Ортғой ҳар дам инбисоти онинг.

Зойил ўлуб кудурати қатъо, Етгуси кўнгли кўзгусига жило.

Комини сайр аро қилиб ҳосил, Шоҳиди айшиға бўлиб восил.

ЮРТИМИЗНИНГ БОШҚА ҲУДУДЛАРИ СИНГАРИ ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҲАМ ХАЛҚИМИЗНИНГ ИНСОНИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИДАГИ БЕМИСЛ ЎРНИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КЎПЛАБ АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР, МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР ВА ТАРИХИЙ ОСОРИ АТИҚАЛАРГА БОЙ. УШБУ НОЁБ ЎДГОРЛИКЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ ТАФАККУР ТАРЗИ ВА БЕКИЁС МАДДАНИЯТИНИ ИФОДАЛАШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. БУНДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2008 ЙИЛ 2 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Тошкент вилояти ва пойтахтимиз худудидаги Қанқа, Шоҳруҳия, Минг'урик, Оқтепа, Хонобод, Имлоқ, Кавардон, Киндиктепа сингари қадимий обидалардан топилган нумизматика ёдгорликлари, яъни тангалар бунга мисолдир.

Қазималар натижасида минглаб ана шундай мис тангалар топилди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти докторанти Файзулла Бобоев. — Уларнинг бир қисми милондинг учинчи асрига тегишли, топилмаларнинг кўпчилиги ўрта асрларда, яъни VI-VIII асрларда зарб этилгани аниқланди.

Тангаларнинг аксариятида ўша давр ҳукмдори, малика ва шаҳзода тасвири акс эттирилган. Улар ҳозирги тангаларга ўхшаш юмалок шаклда бўлиб, тепасида ярим ой ва юлдузлар сурати мавжуд. Баъзи тангаларда ҳукмдор жанговар чавандоз, малика эса фарзанд кўтарган она киёфасида намоён бўлади. Бу — аждодларимиз эътиқод қилган она ва бола ҳомиёси, қут-барақа, бахт ва омад тисолларидир. Баъзи тангаларга қоплон сурати туширилган. Бу аждодларимиз ушбу ҳайвонни куч-қудрат ва жасорат тисоли сифатида эъзозлаганидан далолат.

Тангалардаги ёзувлар синклиаб ўқилган-

да, уларнинг аксариятида «Шош ҳукмдори» деган сўзлар қайд этилгани маълум бўлди. Баъзи тангаларда жабуу, тегин, элтабар, тудун сингари унвонлар кўлланган. Бундай унвонлар ўша даврларда давлат бошқаруви соҳасида масъул лавозимларда ишлаган амалдорларга берилган.

Бу топилмалар давлатчилигимиз тарихи, юртимизда шаклланган шаҳарсозлик аъёналари, савдо-сотик, маданият, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт тараққиётининг ўзига хос кўзгуси бўлиш билан бир қаторда минтақамизда молиявий муносабатлар ва ёзма маданият жуда қадим замонлардан юксак даражада тараққий этганидан далолатдир. Ушбу тангалар Марказий Осиё минтақасининг бошқа худудларидан ҳам топилгани улар кенг муомалада бўлганини аниқлатади.

Шуни айтиш жоизки, ушбу тангаларда ўз ифодасини топган исмлар, тасвир, рамз, унвон ва бошқа ёзув ҳамда белгиларни собиқ мафкура таъсирида тўлиқ ўрганиш ва асл ҳолича талқин этиш имконияти бўлмаган. Натижада қадимда аждодларимиз асос солган қудратли давлатлар ўзининг мустақам пул тизимига эга бўлгани инкор этиб келинган.

Мустақиллик йилларида Президентимиз

Ислом Каримов ташаббуси билан халқимизнинг бой ва бетакрор ўтмишини акс эттирувчи моддий ва маънавий неъматларни асраб-авайлаш, мамлакатимиз ва хорижда ҳам тарғиб этиш ва тарихимизга оид манбаларни асл ҳолича ўрганишга кенг йўл очилди. Бунинг натижасида мамлакатимиз ва чет эллардаги музей, кутубхона ва кўлэмалар фондларида сақланаётган минтақамиз тарихига оид манбалар ва ашёларни излаб топиш, узаро солиштириш асосида чуқур ўрганиш имконияти туғилди.

Ана шундай эътибор туяйли олимларимиз кўҳна Шошнинг қадимий тангаларини муқаммал тадқиқ этишда ҳам муайян натижаларга эришмоқдалар. Бу борада бир қанча қадимий манбаларда келтирилган маълумотларни ўрганиш асосида ушбу тангаларда акс этган ёзув ва тасвирлар халқимиз давлатчилигининг ўзига хос қирраларини акс эттириши исботланди.

Тангаларнинг барчаси иконографик ва полеографик жиҳатдан муқаммал тарзда ишланганлиги минтақамизда пул зарб этиш қадим замонлардаёқ санъат даражасига кўтарилганидан аёнқол далолат беради. Бундай топилмалар ўша даврларда Шошда савдо-сотик ва иқтисодий-маданий тараққиёт юксак суръат-

ларда ривожлангани хусусидаги билим ва тасаввурларимизни янада бойитидади.

Шарқшунос, санъатшунос, тарихчи, археолог олимларимизнинг ушбу манбаларни муқаммал ўрганишга оид тадқиқотлари натижасида мамлакатимиз ва хориждаги нуфузли нашрларда кўплаб мақолалар чоп этилди, бир неча китоб ва рисоалар яратилди. Мутахассисларимизнинг бу йўналишдаги илмий тадқиқотлари натижасида олинган хулосалар аниқ асосга эга эканлиги хориждаги етакчи мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Юртимиз тарихининг муҳим қирраларини намоён этувчи бу ноёб ашёлар айни кунларда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереяси ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Тошкент тарихи музейида намойиш этилаётир.

Бундай хайрли ишлар ўзигимизни англаш, халқимизнинг кишилиқ жамияти тараққиётидаги бемисл ўрни ва ролини ҳамда мустақиллик йилларида мамлакатимиз илм-фани эришяётган ютуқларни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мужбири

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА МАМЛАКАТИМИЗДА УЛКАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Болалар спорти

«ЁЗ — 2008» МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Хусусан, мана шу эзгу мақсад йўлида ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.



Бугунги кунда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ёз мавсуми давомида ўқувчи-ёшларнинг таътил кунларида мазмунли дам олишлариға муносиб ҳисса қўлиш йўлида спортнинг барча турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказилиб келинганини кўра-миз. «Ёз — 2008» лойиҳаси доира-сида ўтказилган спорт мусобақала-ри ёзги оромгоҳларда дам олаёт-ган ва маҳаллардада истиқомат қилаётган барча йшларни қамраб олгани билан ҳам ниҳоятда аҳамия-тлидир.

— Кунчи кеча «Ёз — 2008» спорт мусобақаларининг охириги босқичи якунланди, — дейди биз билан суҳбат-да Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси Тошкент шаҳар филиали мутахассиси Нилуфар Абдуовитова. — Ушбу спорт мусобақалари пойтахтимиз-даги барча туманларда ўтказилиб, голиблар шаҳар босқичига йўлланма олган эдилар. Ёзги таътил кунларининг сўнги ойда ушбу мусобақаларнинг шаҳар босқичини ҳам уюшқоқлик билан кўтаринки руҳда ўтказди. Спортнинг 13 та тури бўйича уюштирилган, болажонларға завқу шавқ улашган ушбу мусобақаларда Учтепа туман жамоаси футболчилари голибликни қўлга киритишган бўлса, баскетбол тури бўйича М.Улуғбек туман спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Бундан ташқари волейболда Чилонзор тумани, қўл тўлида Яқасарой,



стол теннисида Сергели тумани, шахмат тури бўйича Шайхонтоҳур, шашка тури бўйича Учтепа тумани, сузиш бўйича Миробод тумани, енгил атлетикада Юнусобод тумани, кураш ва белбоғли курашда Сергели тумани, эркин курашда Шайхонтоҳур, боксда эса Чилонзор тумани энг юқори ўринларни эгаллашди. Голиб жамоалар Болалар спорти-ни ривожлантириш жамғармаси томо-нидан таъсис этилган спорт анжумла-ридан иборат эъдилик советлари ва дил-ломлар билан тақдирландилар.

Эътиборлиси, спорт мусобақала-риға шахримиздаги 11017га яқин бо-лалар жалб этилди, шулардан 363 нафари қизлардир.

Шаҳризода МУХСИМОВА СУРАТЛАРДА: «ЁЗ-2008» спорт мусобақаларидан лавҳалар

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР АСОСИДА

ҲАМЗА ТУМАНИ ИИБ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЛИМИ ЖОРИЙ ЙИЛДА 151 ТА ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ ЁНГИНГА ҚАРШИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН. ЎТГАН ЙИЛИ ЭСА 175 ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ ТЕГИШЛИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛГАН ЭДИ. ТЕКШИРУВЛАР ЖАРАЁНИДА ЁНГИН ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАГАН 124 НАФАР МАНСАБОР ШАҲСГА НИСБАТАН ТЕГИШЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРИ БИЛАН 932 725 СЎМ МИҚДОРИДА МАЪМУРИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талабларидан тўлиқ бажарилиши доимий назоратимизда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Тошкент шаҳар ҳудудий Кенгагининг кўрсатмасига асосан иккинчи чоракда ёнгин хавфсизлиги хизматиға текширув учун рухсат берилган 52 та тадбиркорлик субъектларидан 22 таси режали текширувлардан чиқарилиб, тек-

ширувларнинг 46,1 фоизга қисқартирилишиға эришилди. Туман ИИБ ЁХБ юқоридаги Фармондан келиб чиқиб, 2008 йилда 777 та ҳўжалик юритувчи субъектларининг ёнгинга қарши ҳолатини текшириш учун буюртма берди. Бу текширувлар буюртмаси ўтган йилгиға нисбатан икки баробар қисқартирилди, демакдир. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссиялари рухсатисиз ҳўжалик юритувчи субъектларни текшириш, текширишға шаҳодатдан ўтмаган ва текшириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаи бўлмаган ходимларни бу ишға жалб этиш, тегишли буюруқсиз текшириш ўтказиш, режадан ташқари текшириш учун буюртма бериш, «Текширишларни рўйхатға олиш

китоби»ни тўлдирмасдан текшириш ўтказиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлашға дахлдор бўлмаган ҳўжатларни талаб қилиш, текширишни белгиланган муддатдан олдин ёки кейин ўтказиш, мониторинг якуни бўйича далолатнома ва бошқа расмий ҳўжатларни тузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ходимларға муайян тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шу йил июль ойида ўтказилган семинарда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси рухсатисиз текширишлар ўтказишға йўл қўймаслик, аниқланган ноқонуний аралашувлар борасида ҳар бир раҳбар ходимға қаттиқ чора кўриш кўрсатиб ўтилди.

Фарход ЖЎРАЕВ, Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, майор

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчамиз учун Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда ўтказиладиган байрам шодиёналари, халқ сайиллари давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарорига асосан шаҳримизнинг қуйидаги манзиллари бўйича транспорт ҳаракати қатнови вақтинча чекланиши ва камайиши кўзда тутилмоқда. 2008 йил 31 август кунини соат 15.00 дан 23.00 гача — Бунёдкор шоҳқўчаси — Муқимий қўчасидан А.Хўжаев қўчаси қадар, — А.Хўжаев қўчаси — С.Дарвоза қўчасидан Ўзбекистон қўчасиға қадар, — Ўзбекистон қўчаси — Бунёдкор шоҳқўчаси — Б.Зокиров қўчасиға қадар; — Бобур қўчаси — Б.Бобоев қўчасидан Олмазор қўчасиға қадар; — Т.Тула қўчаси — Ўзбекистон қўчасидан Олмазор қўчасиға қадар, —

— Фурқат қўчаси — Олмазор қўчасидан А.Навоий қўчасиға қадар, — Б.Зокиров қўчаси — Ўзбекистон қўчасидан Т.Тула қўчасиға қадар, — Ф.Ғулум қўчаси — тоннелға кириш йўлидан, — Зарқайнар қўчаси — тоннелға кириш йўлидан.

2008 йил 1 сентябрь кунини Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ҳамда «Авиасозлар» маданият саройи олдидаги майдонлар, Сайилгоҳ қўчаси, Абдулла Қодирий, Фафур Ғулум, Мирзо Улуғбек ва Бобур номидаги ҳамда «Янги Сергели», «Боғишамол» истироҳат боғларида, шуниингдек Ибн Сино гузари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, «Нихол» спорт мажмуасиға туташ қўчаларда ўтказиладиган халқ сайиллари вақтида вазият тақозо этганда, транспорт ҳаракати қатновиини вақтинча ўтхаташға рухсат этилади.

Бундан ташқари, шароитдан келиб чиққан ҳолда бошқа қўчаларда ҳам қисқа муддатта транспорт ҳаракати чекланиши мумкин.

Узбек Давлат цирки республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки 11 сентябрдан бошлаб Россия ва Ҳамдастлик мамлакатлари цирклари кудузулари бизнинг меҳмонимиз. Урғилган ташриқчилар ва жайралар, Африка шерлари, шотланд пакапа оғлари, шуниингдек Кубань казаклари ва жақондаги энг моҳир масқарабозлар маҳоратидаш баҳрамад бўлиб. Буларнинг барчасини кўришға шошилини. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 706

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3200 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға еки «Тошкент почтамити»ға — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5